

**“Эски Жува деҳқон бозори” акциядорлик жамияти Кузатув
кенгашининг йиғилиш
БАЁНИ**

2023 йил 6 ноябр

Тошкент шаҳри

Кузатув кенгаши раиси
К.Р.Расулов

Кузатув кенгаши аъзолари:

А.А.Раззоқов, Р.Арифов, Ш.Шомансуров, И.С.Алимов, М.Р.Каримов, Т.К.Камолов,
М.Ш.Қосимов, А.К.Чоршанбиев.

Таклиф этилганлар:

Н.Меликулов-	жамият директори ўринбосари
Ф.Ю.Тўйчиев	Жамият бош бухгалтер,
Н.М.Ёқубов	Котиб.

Мажлисга К.Расулов раислик қилди. К.Расулов сўзга чиқиб, йиғилишни очик деб эълон қилди ва кун тартибига киритилган масалалар билан таништирди.

МАЖЛИС КУН ТАРТИБИ:

“Эски-Жува деҳқон бозори” АЖ ижроия орган масаласи

Мажлис раиси мажлисни очик деб эълон қилиб, кун тартибидаги масала билан мажлис иштирокчиларини таништирди.

Кун тартибида киритилган масала бўйича Кенгаш раиси К.Расулов сўзга чиқиб, жамият директори Ш.Файзуллаев 2023 йил 3 октябрдан лавозимидан озод этилганлиги, шу кундан директор ўринбосари Н.Меликуловга директор вазифасини бажариш юклатилганлиги, “Эски-Жува деҳқон бозори” АЖ Тошкент шаҳрида йирик бозолардан бири бўлганлиги сабабли, жамият директорлигига муносаиб номзод кўриб чиқилиб, соҳа бўйича тажрибага эга бўлган Абдураимов Илҳомжон Фурқатович номзоди таклиф этилганлигини билдириб, кенгаш аъзоларидан фикр билдиришларини сўради.

Кенгаш аъзолари Абдураимов Илҳомжон Фурқатовични меҳнат фаолияти билан танишиб чиқишиб, унинг номзодини жамият директорлигига тасдиқланишига эътироз йўқлигини билдиришди.

Мазкур масала кўриб чиқилди ва Абдураимов Илҳомжон Фурқатович 2023 йил 7 ноябрдан жамият директори вазифасини бажарувчи этиб тайинланиши маъқулланди.

Кун тартибида муҳокама этилган масала юзасидан

ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

1. Жамият директори Ш.Файзуллаев 2023 йил 3 октябрдан ўз аризасига мувофиқ эгаллаб турган лавозимидан озод этилганлиги ва директор вазифасини бажариш директор ўринбосарига юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Абдураимов Илҳомжон Фурқатович 2023 йил 7 ноябрдан жамият директори вазифасини бажарувчи этиб тайинлансин.

3. Абдураимов Илҳомжон Фурқатовичга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

- жамият фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли қарорига асосан юритиш;
- Жамиятда даромадларни ошириш ва харажатларни қисқартириш чораларини кўриш;
- жамият ишини белгиланган тартибда ташкил этиш.


Йиғилиш раиси

 К.Расулов

Аъзолар:

 А.А.Раззоқов  Р.Арифов
 Ш.Шомансуров  И.С.Алимов
 Т.К.Камолов  М.Р.Каримов
 М.Ш.Қосимов  А.К.Чоршанбиев

Баёни оlib борди:

 И.Урунбоев

Кузатув саномига


"Эски Нуво дехкон
бозори" АН Кузатув
кенгаш раиси
К.Р. Расулова

Тошкент вилояти
Бўстонлик тумани
Чорбоз шаҳарчаси
Дўстлик молхонаси
10-йў 2-хонадонда
9-қаватда


У.Р. Абдурашмовдан.

Ариза.

Мени 2023 йил 7-ноябрдан

"Эски Нуво дехкон бозори" АН
директори лавозимида ишга қабул
қилинмаганини сўрайман.

07.11.2023 йил.

 У.Р. Абдурашмов.